O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**№12 (665)** 2023 йил 21 февраль, сешанба

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Мутасаддилар иштирокида йиғилиш

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мутахассислари, Ички ишлар вазири ўринбосари Бекмурод Абдуллаев ҳамда Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов иштирокида пойтахтимизда жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бунда бошқарув сервис компанияларининг ўрни ҳамда аҳоли мурожаатлари билан самарали ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилди.**



Йиғилишда аҳолининг дебитор қарздорлигини сўндириш имкониятлари, халқни рози қилиш ҳамда уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди. Тегишли масъулларга соҳани яхшилашга доир бир неча зарур вазифалар белгиланди.

Шундан сўнг, Президент Администрацияси масъул ходими Ботир Мўминов, Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Равшан Султонхўжаев ва бошқалар пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳолатини ўргандилар. Унда бошқарув ташкилотларининг фаолияти, кўп қаватли уйларни таъмирлаш-тиклаш юзасидан амалга оширган ишлари, тун-у кун фаолият юритувчи диспетчерлик хизмати билан таъминланганлиги юзасидан ҳисоботи тингланди. Шунингдек, мажбурий бадал тўловлари тушуми миқдори ҳамда ташкилотларнинг Савдо-саноат палатаси билан боғлангани бўйича маълумотлари кўриб чиқилди.

## Фуқароларга ҳуқуқий тушунча берилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида ўтказилган навбатдаги қабул соатида юртдошларимизнинг коммунал соҳага оид мурожаат ва таклифлари вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳамда вазирлик ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси ходимлари томонидан тингланди.**



Хусусан, кўп қаватли уйларнинг бошқарув усулини ўзгартириш, бошқарув ташкилотлари фаолиятидан норозилик ёхуд молиявий муносабатлардаги ноаниқликларга оид қатор мурожаатлар қабул қилинди.

Мурожаатларнинг аксарияти бўйича фуқароларга жойида ҳуқуқий тушунчалар берилди. Шунингдек, ўрганиш ҳамда вақт талаб этиладиган муаммоларни тезкор кўриб чиқиш бўйича масъулларга зарур топшириқлар берилди.

## Назорат тадбирлари ўтказилди

**Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси мутахассислари иштирокида кўп қаватли уйларда аҳоли томонидан амалга оширилаётган ноқонуний қурилмаларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.**

Биринчи манзил Яшнобод туманининг Қорасув кўчасидаги 21-уйда бўлди. Мазкур уйнинг 27-хонадон соҳиби ўзбошимчалик билан уйнинг фасад деворини бузган ҳолда эшик очган. Шунингдек, уйнинг ертўла қисмига кириш учун таянч деворини ўзгартиргани аниқланди. Мулкдор ертўладан ноқонуний равишда шахсий офис сифатида фойдаланиб келмоқда. Мутахассислар томонидан фуқарога маъмурий баённома расмийлаштирилиб, ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.





Кўп қаватли уйлардаги ноқонуний қурилмаларни аниқлаш тадбирлари пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида давом этди. Туманнинг “Янги турмуш” МФЙда жойлашган “Megapolis building” МЧЖ томонидан 2021 йил қуриб битказилган 10-сон кўп қаватли уйнинг мансарда қисмида мулкдорлар томонидан ноқонуний равишда қўшимча “уй” қурилган. Мазкур уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотларининг бир неча бор огоҳлантиришлари ҳам мулкдорларни ушбу фикрдан қайтармаган.

Мулкдорларга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, ноқонуний қурилмаларни 15 кун ичида бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

# Хонадонларга ободлик киритаётган дастурлар

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunydkori” мухбири.

**“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Бунёдкорлик ишларини ҳудудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам якунланган йилда 26 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг архитектура қиёфаси тубдан яхшиланди.**

Аҳоли турмуш даражасини ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 460 млрд сўм маблағ сарфланди. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 109,7 млрд сўм эвазига 574 километр масофага қувурлар тортилди ва 24 та сув иншоотлари қурилди. Шу аснода 20 дан ортиқ қишлоқларнинг хонадонларига оби ҳаёт кириб келди. Шунингдек, 582,7 километр ички йўллар таъмирланиб, чанг кўчалар ўрнида кенг ва равон йўллар аҳоли ихтиёрига топширилди.

Шу билан бирга электр таъминотини яхшилаш мақсадида, 422,3 километрга тармоқлар ва 55 та трансформаторлар ўрнатилди. Табиий газ таъминоти яхши бўлмаган ҳудудлар аҳолисига эса 551 та суюлтирилган газ баллонлари тарқатилди. 23,8 километрда эса пиёдалар йўлаклари қурилди ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Албатта қишлоқларда аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, турмуш тарзини ўзгартириш, ҳудудлар қиёфасини замон талаби асосида қайта қуриш, ёшлар



учун муқим иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар туфайли аҳолини қийнаб келган муаммолар ечим топмоқда. Зеро, бу ҳаракатлар замирида инсон қадри устувордир.

# ШАРҚ – Ислом маънавияти гултожи

**Қадим шарқ маънавий цивилизациясининг бешикларидан ҳисобланган, Қуббатул ислом дея шарафланган Бухорои шариф азалдан илму маърифат, дину ирфон марказларидан бири сифатида довруғ қозонган. Буюк ипак йўлининг марказий чорраҳаси сифатида дунё аҳлини ўзига жалб этган қадимий масканда нафақат савдо-сотиқ, маданият, балки илм-фан, шу жумладан, ислом маърифати ҳам тараққий этган.**

“Бухоро тарихи” асари муаллифи Муҳаммад Наршахийнинг гувоҳлик беришича, ислом оламидаги илк мадрасалардан бири Бухорода ташкил этилиб, “Фаржак” номи остида фаолият юритган. Кейинчалик эса ушбу илмий анъаналар янада тараққий топиб, Бухоро мадрасалари ўзига хос халқаро университет мақомида фиқҳ, тасаввуф, ҳадис илми сингари диний, алжабр, ҳандаса (геометрия), тиббиёт сингари дунёвий фанлар таълимида етакчи бўлган.

Жумладан, 500 йиллик тарихга эга Мир Араб мадрасасининг нафақат шарқ ислом маънавияти, балки бутун жаҳон илм-маърифатига қўшган улкан ҳиссаси барча бухороликлар қалбини фахр ва ифтихорга тўлдиради. Бу даргоҳда таҳсил олиб, бутун мусулмон оламига танилган Шаҳобиддин Маржоний, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Усмонхон Алимов, Оллошукур Пошшозода, Талгат Тожуддин, Аҳмад Қодиров каби мўътабар уламолар ўз вақтида минтақада дин софлигини таъминлаш, муқаддас динимизни ниқоб қилиб ўз сиёсий найрангларини ўтказмоқчи бўлган ғайриинсоний кучларга қарши маънавий кураш олиб бориш, уни турли фирқаларга бўлинишдан асраш, соф ислом маърифатини кенг тарғиб этишда жонбозлик кўрсатиб, ўз юртларида тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган.

Истиқлол йилларида Бухоро яна ислом маърифати марказларидан бири мақомини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Мазкур мақсадда бугун вилоятда учта мадраса, 100 дан ортиқ исломий йўналишдаги диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар уч иморатнинг биттаси мадраса, ҳар тўрт кишининг бири олим-фузало бўлган бу заминда илмга нисбатан қаттиқ ихлос туфайли бирорта уй, сарой ёки бошқа бино мадраса-масжиддан баланд этиб қурилмаган.

Шу боис ҳам худди замонавий дунёдаги Ҳарвард, Оксфорд университетлари каби кўҳна шарқда Бухорода, айниқса, Мир Араб мадрасасида таҳсил олиш комилликнинг энг чўққиси, юксак рутба сифатида эътироф этилган.

Аммо истибдод йиллари халқимизнинг маърифий булоқлар кўзи ёпилди. Маҳобатли мадраса ва масжидларимиз харобага айлантирилди.

Истиқлол йилларида барча қадриятларимиз қайта тикланди. Обидалар обод қилинди, 70 йил давомида номи турли истеҳзоли мифлар билан тилга олинувчи табаррук авлиёларимиз чинакам сийрати қайта тикланиб, улар маънавий мероси тадқиқ этила бошланди.

Бироқ шу ўринда яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим диний экстремистлар, ғаразли мақсади йўлида исломни ниқоб қилган кимсалар касрига маърифат хазинаси бўлган диндан чўчиш, исломий илмлардан сўз очган кишига айрича нигоҳ билан қараш ҳоллари бўлди.

Чинакам ислом маънавияти ҳамда динни ниқоб қилган экстремистларнинг ёт ғояларини бир-биридан англаш учун, аввало, ислом илмидан бохабар бўлиш керак.

Шу мақсадда бугун Президентимиз ташаббуси билан муқаддас динимизни мукаммал ўргатишга йўналтирилган қатор мактаб ва бошқа муассасалар ташкил этилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида аҳволни кўрган, мадрасанинг тарихий мавқеини тиклашни мақсад қилган эди. Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатма берилган эди. Бунинг учун Арк яқинида янги бино барпо этилди ва яқинда фойдаланишга топширилди.

Бунинг натижасида қисқа вақт ичида олий мадраса фаолиятини йўлга қўйиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда 2017-2018 ўқув йили учун талабаларни қабул қилиш мақсадида танлов эълон қилинди. Олий мадрасанинг илк ўқув йилида ўқишга кириш учун 152 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, “Фиқҳ”, “Ақоид” ва “Араб тили” фанларидан ижодий, “Тарих” фанидан тест имтиҳони натижалари бўйича уларнинг 60 нафари талабаликка қабул қилинди.

Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси ҳудудида фаолият юритаётган ўқув масканда талабаларга тасаввуф, тажвид сингари диний илмлар билан бирга тарих, инглиз тили каби дунёвий фанлардан ҳам сабоқ берилди.

Бугун эса давлат раҳбарининг ташаббуси билан энг замонавий таълим жиҳозлари ва технологиялари билан таъминланган олий мадрасада илми толиблар учун барча шароит яратилди. Электрон ва босма адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, ётоқхона талабалар ихтиёрида.

– Олий мадраса 200 ўринга мўлжалланган, – деди Мир Араб олий мадрасаси ректори Жобир Элов ЎзА мухбири Зариф Комиловга. – Бу ерда Қуръони карим, ҳадис, фиқҳ ва тасаввуф илмлари, хорижий тиллар пухта ўргатилади. Бугунги кунда жами 107 нафар талаба таълим олмоқда. Талабалар дарсдан бўш пайтларида хаттотлик, қироат ва тажвид, инглиз тили, рус тили, араб тили, ақоид фанларидан ташкил этилган тўгараклардан унумли фойдаланмоқда. Шунингдек, олий мадраса ҳузурида “Тасаввуф” илмий мактаби, Хаттотлик мактаби ва “Араб тили” ўқув курслари ҳам фаолият юритмоқдаки, бу нафақат ушбу мадраса толиби илмлари, балки бошқа қизиқувчиларнинг ҳам мазкур илмлардан бохабар бўлишини таъминламоқда.

Албатта, таълим масканининг моддий-техник базаси кучайиши бу ерда таҳсил олувчилар қамровининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса қадимдан илму маърифат бешиги сифатида улуғланган Бухорои шарифнинг Ислом илми манбаи сифатидаги ўрни қайта тикланиши ва минглаб кўнгилларга маънавият зиёсини бахш этишининг амалий тасдиғидир.

Мир Араб мадрасасининг Ислом маънавий цивилизациясига қўшган ҳиссасини уммонга қиёслаш мумкин. Ушбу уммонни биз нечоғлик чуқур тадқиқ этаверсак, шу қадар кўп ирфоний дуру марваридларни кашф этаверамиз.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасасини бориб кўриши, талабалар билан суҳбатлашиши, айтиш мумкинки, мадраса тарихида янги ривожланиш даври бошланганини кўрсатади.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз. Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин.
ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (665) 2023 йил 21 февраль



**Дилшод МИРХОНОВ,** Наманган вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи.

**Сўнгги пайтларда нафақат мамлакатимиз, балки вилоятимизда ҳам шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, бугунги кунда қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш долзарб масалага айланди. Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад аҳолини яшаш даражасини яхшилиш, уларни уй-жой билан таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини ошириш ва ҳудудларда инфратузилма ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантиришдир.**

# ШАҲАРСОЗЛИК ВА ҚУРИЛИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда энг кўп мурожаатлар уй-жой таъминоти билан боғлиқ бўлмоқда. Бу борада вилоятда ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган 2022 йилда аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 3 219 та хонадонли 76 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, "Наманган тажрибаси" асосида Янги Наманган туманидаги Мустақилликнинг беш йиллиги маҳалласида 2 та 5 қаватли (120 та хонадонли) турар жой биноси ҳомийлик маблағлари асосида қурилиб, эҳтиёжманд, ёлғиз ва кўмакка муҳтож аёлларга берилди. Шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида шаффофликни таъминлаган ҳолда 2 175 нафар фуқарога 61,3 миллиард сўм субсидия ажратилди. Вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида 25,7 миллиард, шундан, 2022 йилги лимит доирасида 16,1 миллиард сўм маблағ эвазига 2 та мактабгача таълим ташкилоти ва 2 та оилавий поликлиника қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятимизда қурилаётган кўп қаватли турар жой массивларини муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 22,2 километр ичимлик суви, 10,9 километр оқова суви ва 8,91 километр электр ҳамда 67 метр табиий газ тармоқларини қуриш белгиланган эди. 2022 йил Поп ва Чуст туманларидаги "Янги Ўзбекистон" массивларида ичимлик суви ва оқова тозалаш тармоқлари ҳамда иншоотларини қуриш бўйича ўтказилган тендерларда "Бунёдкор Мубошер" МЧЖ ғолиб бўлди. Ушбу ташкилот билан жами 49,5 миллиард сўмлик шартнома имзоланди. Бугунги кунга қадар пудратчи томонидан 2022 йил лимити доирасида 9,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Табиий газ тармоғини тортиш бўйича Поп туманидаги Миришкор массивига 67 метр табиий газ тармоғи қурилиб, режадаги ишлар 100 фоиз якунланди. 8,91 километр масофага электр тармоғини тортиш ишларининг 13 фоизи (1,2 километри) бажарилди.

Юқоридаги каби қурилиш-бунёдкорлик ишлари 2023 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, уй-жой қуриш дастури доирасида жорий йилда 336 та 9 244 уй қурилиши кўзда тутилган. Бу эса ўтган йилга нисбатан анча кўп миқдордаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилишидан нишонадир.

Жадаллашган бунёдкорлик жараёнларида бажарилаётган ишларнинг сифатли бўлиши замон талабидир. Зеро, ижтимоий ҳаётда яшашнинг қулай муҳитини шакллантириш зарурий мезон ҳисобланади. Шу боис, шаҳарсозликда сифат ва хавфсизликни оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олганмиз. Соҳадаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлашда фаолиятимизни рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш катта ёрдам бермоқда.

Бундан ташқари, иқтидорли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишларни олиб бормоқдамиз. Дастурларни муваффақиятли амалга оширишда асосий диққат-эътиборни инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратяпмиз.

Соҳада бартараф этилиши шарт бўлган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд, албатта. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли Фармонига илова сифатида келтирилган "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегияси"да кўрсатиб ўтилган. Масалан, аҳоли пунктларида бош режалар мавжуд эмаслиги ёки бино ва иншоотларни қуришда уларга риоя қилинмаслиги ҳудудларда комплекс равишда қурилиш олиб бориш, ишлаб чиқариш ва инфраструктура объектларини жойлаштириш, тадбиркорлик, ишчанлик ҳамда инвестиция фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги ҳамда ходимларни қурилиш-монтаж ишларига ноқонуний равишда (керакли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан) жалб қилиниши ўзбошимчалик билан қурилган биноларнинг кўпайишига замин бўлмоқда. Қурилиш ташкилотлари ходимларининг зарур билим ва малакага эга эмаслиги қурилиш тармоғининг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, қурилган бино ва иншоотлардан кейинчалик фойдаланишда хавфсизлик талабларининг бузилишига олиб келмоқда. Қолаверса, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги инвестиция жараёнлари иштирокчилари ва шаҳарсозлик фаолияти субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ҳамда тезкорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Амалий қурилиш фанининг ривожланмаганлиги, олий таълим муассасаларининг илмий ва моддий-техник салоҳияти заифлиги эса кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга тўсиқ бўлишини ҳам унутмаслик керак.

Маълумки, қурилиш ишларининг сифати лойиҳанинг мукаммаллигига ҳам боғлиқ. 2018 – 2022 йиллар мобайнида "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК томонидан жами 36 та шаҳарсозлик ҳужжати ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг Бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2023–2027 йиллар давомида 9 та туман ҳудудида 37 та шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига 3 та шаҳар (Чуст, Тўрақўрғон, Учқўрғон), 8 та шаҳарча (Жомашўй, Кўқимбой, Норинкапа, Санг, Оқтош, Еттикон, Файзиобод, Исковот) таклифи берилиб, 26 таси эса маҳалла фуқаролар йиғинларига тегишли.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзларига тегишли ҳудудларда қўшимча бино-иншоотлари қуриш ва реконструкция ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган "Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талаблари асосида Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон мурожаат йўллашлари учун шароит яратилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз бунёдкорлик салоҳиятини юксалтириш ва шаҳарсозликда сифатни ошириш борасида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, астойдил ишлашимиз даркор.

# Ғозғон – маҳаллий хомашёга бой ҳудуд

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш саноатида кўп қўлланиладиган материаллардан бири – табиий тошлар бўлиб, юртимизда унинг захираси исталганча топилади. Шу сабабли, Президентимиз уларни истеъмолга киритиш, мармар ва гранит конлари негизида қайта ишлаб, бу ишларни кластер тизимида амалга ошириш вазифасини белгилаб берган эди.**

Ушбу топшириққа биноан, Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳридаги мармар ва гранит кони таркибида "Мармаробод" кластери ташкил қилинганига атиги уч йил бўляпти. Шунга қарамай, тадбиркорлик кенг йўлга қўйилгани натижасида захирада турган тошларни қазиш ва қайта ишлаш йўналишида бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биринчи навбатда, хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган зарур ускуналар Хитой ва Эрон давлатларидан олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда мазкур ускуналарни замонавий билимга эга муҳандис ва мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнига кенг қўлламоқда.

Бундан ташқари, шу кунларда "Мармаробод" масъулияти чекланган жамияти таркибидаги 4 та кондан гранит харсанг тош қазиб олиш йўлга қўйилди. Ҳозирда йилига 88 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, республикамиздаги кўплаб қурилиш корхоналарини таъминламоқда. Қувонарлиси, 3 миллион АҚШ долларилик сифатли маҳсулот четга экспорт қилиняпти. Ушбу лойиҳалар ишга туширилгани туфайли 300 дан ортиқ ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ғозғон шаҳрида мазкур корхона ташкил этилгунига қадар умумий миқдорда 15-20 минг квадрат метр мармар ва гранит маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бугунги кунда 500-600 минг квадрат метр сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Бу эса нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам таъминлашга имконият яратяпти. Юртимиздаги катта-катта қурилиш объектлари, хусусан, пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" боғи, Самарқанд шаҳридаги Туризм маркази каби кўплаб иншоотларни барпо этишда ушбу корхона маҳсулотларининг ҳиссаси катта. Бундан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжон каби давлатларга ҳам шартнома асосида доимий экспорт йўлга қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳати, "Мармаробод" кластери фаолиятини кенгайтириш мақсадида яқинда унинг таркибида маҳаллий тадбиркорлар учун яна ўнта ишлаб чиқариш биносининг лойиҳаси шакллантирилди. Айни пайтда уларни қуриш, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш учун ишбилармонларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, асосий ишлар бошлаб юборилди.

Бу ерда фаолият юритаётган тадбиркорлардан бири Ҳамид Нарзиевнинг айтишича, бир неча йил аввал муддатини ўтаб бўлган ускуналар билан ишлаш жараёнида уларни қайта-қайта таъмирлашга мажбур бўлинарди. "Эскини ямаб, эсинг кетади", деганларидек, бундай ҳолат иш унумдорлиги ва сифатига таъсир қилмасдан қолмасди. Тадбиркорларни қийнаб келган бу муаммо бугун барҳам топди.

– Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, замонавий лойиҳа асосида қурилган заводлардан бирини олдик, – деди тадбиркор. – Туркия ва Италия давлатларидан янги технологиялар келтириб ўрнатдик. Бунинг учун шахсий жамғармадан ташқари, банкдан беш миллиард сўм имтиёзли кредит олган эдик. Маҳсулотимизга талаб ортиши натижасида бир йилда уни ёпишга муваффақ бўлдик.

Ғозғон – маҳаллий хомашёга мўллиги ва қулай бизнес муҳити яратилгани сабабли хорижий инвесторларнинг ҳам эътиборига тушган. Улар томонидан кластер атрофида янги объектларни бунёд этиш ва яна қўшимча лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу эса келгусида Ғозғон ёрлиғи билан тайёрланаётган қурилишбоп маҳсулотлар эҳтиёжимизни таъминлаш баробарида дунё бозорида ҳам мустаҳкам ўрин тутишимизга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

# Сифатли маҳсулот мустаҳкам иморат асоси

**Камрон САИДАЗИЗОВ,** Тошкент шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси Юнусобод тумани бош инспектори.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сонли қарорига (объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент) асосан, Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспекторлари томонидан барча туманларда мониторинг ишлари олиб борилмоқда.**

Юнусобод туманидаги Амир Темур (Қоронкўл) шоҳкўчасининг 118-уй манзилида жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисми" буюртмачилиги остида қурилаётган 6 та кўп қаватли турар жой биноларида навбатдаги мониторинг ишлари ўтказилди. Мониторинг даврида қурилишга оид бўлган норма ва талабларга, Шаҳарсозлик кодексига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига етарли даражада риоя қилинмаётгани аниқланди.



Жумладан, стандартлар талаблари, техник шартлар ва сертификатларга мос келмайдиган материаллар, конструкциялар, буюмлар ҳамда ускуналарни нуқсон далолатномалари билан расмийлаштириш, уларни объектда ишлатилиши юзасидан (техник паспортлар, сертификатлар, лаборатория синов натижалари ва бошқалар) сифат гувоҳномаси ҳужжатлари мавжудлиги буюртмачининг техник назоратчиси томонидан текшириб олинмагани аниқланди.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарори ва Шаҳарсозлик кодексининг 28-моддасига асосан, объектда техник назорат ишлари етарли даражада олиб борилмаётганидан далолат беради. Аниқланган камчиликлар бўйича ёзма кўрсатма берилди.

Бундан ташқари, мониторинг даврида объектда сифатсиз ора ёпма (ПК1 ва ПК2) плиталарини ишлаб чиқарувчиси "Бетиз Универсал Сервис" МЧЖ экани аниқланди. Корхонага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сонли қарори 1-иловаси 26-бандига асосан, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга лицензия берувчи "Турон Стандарт Сертификат" МЧЖга инспекция томонидан объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш юзасидан тақдимнома юборилди.

# Қурилиш жараёнлари доимий эътиборда

**Неъмат ХОЛОВ,**
Бухоро вилояти қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси инспектори.

**Қурилиш соҳасида назорат тадбирлари нега муҳим? Албатта, бугун дунёда бўлиб турган табиий офатлар унинг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Бухоро вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари томонидан вилоятдаги қурилиш объектларида ўтказилаётган назорат ишларининг мазмуни қурилиш-реконструкция ишларини сифатини таъминлашдан иборат бўлмоқда.**



Бухоро вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари томонидан "Buxoro city" турар жой ва ишбилармонлик марказида назорат тадбирлари олиб борилди. "Ertuğrul construction" МЧЖ томонидан қурилаётган пастки қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларидан иборат кўп хонадонли турар жой бинолари қурилиши объектида ўтказилган тадбир давомида буюртмачининг техник назорати, лойиҳалаш ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат корхонасининг ички назорати учун масъул бўлган ходимлар томонидан етарлича назорат ишлари олиб борилмагани оқибатида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Жумладан, техник, муаллифлик ва ички назорат ходимлари томонидан бинонинг асосий ўқларининг жойлашуви геодезик ёндошувлар асосида белгиланмаган ҳамда реперлар ва координаторлар билан мустаҳкамланмаган. Қурилишга ажратилган ер участкаси ва ҳар бир ёрдамчи биноларни бош режадаги аниқ чегараси бўйича қозиқларни (разбивка) ўрнатилгани ҳамда уни "ЎзГАШКЛИТИ" лойиҳа-қидирув ташкилоти томонидан берилган далолатномаси тақдим қилинмаган. Қолаверса, қурилиш объектида қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини ташиш ҳамда сақлаш қоидаларига риоя этилмаган.

Назорат тадбирлари давомида аниқланган камчиликлар бўйича буюртмачи ва қурилиш ташкилотлари ходимларига "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими орқали бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ҳақида тушунтирилди. Буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати, пудрат ташкилотининг ички назорати ва қурилиш корхоналари ходимларига "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Худди шундай назорат тадбирлари Қоракўл туманида ҳам олиб борилди. Туманнинг "Хўжалар" МФЙ ҳудудида "Мега Престиж" МЧЖ қурилиш-пудрат корхонаси томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари қурилиш объектида ўтказилган тадбир давомида бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, қуйма зинапояларни бажаришда зина маршлари, уларнинг баландлиги бир хил ўлчамда бажарилиши таъминланмаган. ҚМҚ 2.01.03-19 "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" меъёрий ҳужжатнинг 3.1.5-бандида келтирилган талабга кўра, зинапоя катаги конструкциясини бажаришда зина маршлари ва зина майдончаларини лифт шахтаси билан тутуш қисмида лойиҳада назарда тутилган зилзила натижасида чокларда вужудга келадиган чўзувчи ва силжитувчи зўриқишларни қабул қиладиган сейсмик юклар таъсирини камайтирадиган боғламлар бажарилмаган. Бундан ташқари, дераза ромларини ўрнатишда ишлаб чиқариш технологиясига амал қилинмаган. Ромлар анкерлар ёрдамида ўрнатилмаган ва атрофи тўлиқ пена қурилиш маҳсулоти билан тўлдирилмаган. Қўлланилган қурилиш материалларининг мувофиқлик кўрсаткичини белгиловчи сертификатлари, бажарилган бетон ишлари, ғишт териш ишларида қўлланилган цементли қоришмалар бўйича қурилиш-синов лабораторияси ижобий хулосалари доимий олиб борилмаган.

Мазкур ҳудудда ҳам назорат тадбирлари давомида қурувчи ва лойиҳачиларга қурилиш соҳасида рақамли технологияларнинг имкониятлари ҳақида маълумот берилиб, аниқланган камчиликлар бўйича буюртмачи ва қурувчи ташкилотлар ходимларига "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими орқали бажарилиши мажбурий бўлган вазифалар тушунтирилди.

Олот туманининг "Қирлишон" МФЙда жойлашган "Аму-Бухоро ирригация тизимлари" ҳамда "Аму-Бухоро-2 насос станциясини модернизация ва реабилитация қилиш" объектида ўтказилган мониторинг ишлари давомида ҳам бир қанча камчиликлар маълум бўлди. Хусусан, объектга келтирилган Д=300 мм полиэтилен сув қувурлари ёпиқ омборхоналарда сақланмагани оқибатида баъзилари овал шаклига келиб қолган. Бундан ташқари, лифт шахтасининг том қисмида ёғингарчилик сув тарнови трубаси ҳамда парапет усти темир тунукаси ўрнатилмаган. Объектга кириш йўлагидаги ёритиш тизимида ўрнатилган металл устунларга келувчи электр кабеллари учун қазилган траншея чуқурлиги қурилиш нормалари асосида бажарилмаган.

Навбатдаги назорат тадбирлари Бухоро шаҳридаги "Намогоҳ" МФЙ ҳудудидаги объектларда давом этди. Назорат тадбири давомида ушбу қурилиш объектида қурилиш майдонига киритилган қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификатлари тақдим қилинмади. Армокаркасларни тайёрлашда хомут қисмида A-I синфига мансуб бўлган диаметри 8 мм бўлган арматура ўрнига AIII-синфли диаметри 8 мм бўлган арматура стержинидан фойдаланилган. Ажратувчи деворлардаги перемичкалар 50х50 мм ўлчамдаги уголникдан бажарилган ва уларнинг деворга таяниши "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Қоидабузарликлар юзасидан тадбиркорга Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 99-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Аниқланган камчиликлар инспекция ходимлари томонидан назоратга олинди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (665) 2023 йил 21 февраль



# ЮРТИМИЗНИНГ ОЛИС ҲУДУДЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИ

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қўнғирот тумани республикамизнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ўз ҳудуди бўйича мамлакатимизнинг 12 фоизини, Қорақалпоғистон Республикасининг эса 46 фоизини ташкил қилади. Туман Қозоғистон Республикаси, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Кегейли, Қонликўл туманлари билан чегарадош. Майдони 76 минг квадрат километр бўлиб, 21 та маҳалла, 5 та шаҳарча, 12 та овул фуқаролари йиғинларида 134 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.**



Сўнгги йилларда барча ҳудудларда бўлгани каби мазкур туманда ҳам ўзгариш ва бунёдкорлик авжида. Хусусан, маҳаллий саноатни янада ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол, Қўнғирот туманида бундан беш йил аввал 113 та саноат корхоналари фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 242 тага, йирик корхоналар эса 4 тага етди. Саноат маҳсулотларининг ҳажми ҳам ўсиб, 2022 йилда 919,8 млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 6,2 фоизга ўсган.

Қўнғирот туманининг Жаслиқ шаҳарчасида жойлашган Устюрт сульфат корхонаси 2 гектар майдонда жойлашган. Қиймати 670 минг АҚШ долларга тенг бўлган мазкур лойиҳа йилига 18 минг тонна натрий сульфат етказиб бериш қувватига эга. Айни пайтда натрий сульфат ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхона ўтган йили 2 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотларни экспортга йўналтирди. Маҳаллий ва хориж бозорларига кириб бораётган бу маҳсулотлар туманнинг фойдаланилмай келаётган хом ашёларидан тайёрланаётгани эътиборга молик.

– Масъулияти чекланган жамиятимиз 2017 йил июнь ойида ўз иш фаолиятини бошлади. Заводни кенгайтириш ва иш ўринларини яратиш мақсадида кредит олдик. Заводни қуриб, битиргач, ишчилар сони 100 тага етди, – деди корхона иш бошқарувчиси Жавлонбек Отажонов. – 2022 йилга келиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз 18 минг тоннадан ошди. Бугунги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни Қозоғистон, Тожикистон давлатларига экспорт қиляпмиз. Мазкур корхона томонидан йил якунига қадар йодланган туз ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳанинг ишга тушилиши натижасида 120 та янги иш ўрни яратилади. Эндиликда корхонамиз томонидан йилига ишлаб чиқарилган 18 минг тонна йодланган туз маҳсулоти бозорларга кириб боради.

Тумандаги яна бир корхона газ-конденцат маҳсулотидан бензин, керосин ва дизель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бугунги кунда корхонада янги ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва ҳажми ортди. Йил якунига қадар яна хориждан қўшимча ускуналар келтирилиб, ҳар ойда 5 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

– Корхонани очганмизда унинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 70 минг кубга мўлжалланган эди, – деди корхона иш бошқарувчиси Умиджон Қутбиддинов. – 2021-2022 йилларда заводни такомиллаштириб, бензин ва дизель маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйдик, енгил углеводородлар билан ишлайдиган янги жиҳозларни Германиядан келтириб ўрнатдик. Йил якунига қадар умумий маҳсулот ишлаб чиқариш 120 минг тоннага етказилади. Ҳозирда Афғонистонга маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузиш ҳаракатидамиз.

Қўнғирот туманида маҳаллий саноатни янада ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурга асосан 2022-2023 йилларда қиймати 3,9 трлн сўмлик 25 та лойиҳа ишга туширилиши ва уларда 1 877 та янги иш ўрни яратилиши мақсад қилинган. Ўтган 2022 йилда Қўнғиротда якка тартибдаги тадбиркорлар 33,9 млрд сўмлик ва аҳоли томорқаларида эса 78 млрд сўмлик маҳсулотлар бозорларга чиқарилган.

Туманнинг Саноат маҳалласида яшовчи Байрам Даулетяров ҳам ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, биогомус ўғитини етиштиришни йўлга қўйди. Айтиш лозимки, биогомуслар таркибида ҳеч қандай кимёвий моддалар мавжуд бўлмаган соф биологик маҳсулот ҳисобланади. Ҳосилдорликни оширишда қўл келади. Шунинг ўзиёқ афзалликни кўрсатади. Шу сабаб ҳам айни пайтда туманда бу йўналишда маҳаллалар кооперацияга бирлаштирилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати экинларни парваришлаш жараёнида биогомус билан озиқлантирилганида ҳосилдорлик бир ярим баробарга ортади. Буни Байрам Даулетяров томорқасида иссиқхона ташкил этиб, синовдан ўтказди.

– Биз маҳсулотимизни маҳаллий бозорларга қадоқлаган ҳолда етказишга ҳаракат қиляпмиз, – деди Байрам Даулетяров. – Кредит асосида ўз фаолиятимизни бошлаб ҳозирда катта даромад олишга эришяпмиз. Бу ерда биогомус етиштириб, унинг ортидан қулупнай етиштириш билан ўз бизнесимизни кенгайтирганмиз. Қулупнайлар ҳозир қизариш палласида, шу боисдан биринчи йилдан ҳосил кутяпмиз.

Қўнғиротнинг маҳалла ва овулларида паррандачиликни йўлга қўйиш ва шу орқали оилаларни даромадли қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аҳолига субсидия ажратилиб, бандликни таъминлашга кўмаклашиляпти.

– Маҳалламизда 86 та оилада уч ярим мингдан ортиқ аҳоли яшайди, – деди Толлиқ маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Зуҳра Тўрабоева. – Маҳалламизда иқтисодиётнинг ўсиш драйвери бу деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобланади. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатишни ошириш мақсадида бизнес турларини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Паррандачилик билан 4 нафар фуқаромиз якка тартибда шуғулланиб келади. Парранда маҳсулотларини маҳаллий бозорларга етказиб беряпмиз.

"Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар дастури" орқали муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишларга эътибор қаратсак.

– Қўнғирот туманида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарларга ўқитиб, ишбилармонлик ғояларини қўллаб-қувватлаш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2022 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. – деди Ёшлар ишлари агентлиги Қўнғирот тумани бўлими бошлиғи Тазабай Қазақбаев. – 1 800 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, имконияти чекланган ёшларни қўллаш мақсадида "Ёшлар дафтари" электрон платформасига киритдик. Таълим олаётган 311 нафар ёшга 306 миллион сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди. Уларни Б, С категория бўйича ҳайдовчиликка ўқитиш мақсадида ёрдамлар берилди. Ўз тадбиркорлигини бошлаш ниятидаги ёшларга 5 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, уларнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Ўзини ўзи банд этган ёшларимизга жами 100 миллион сўмдан ортиқ маблағга асбоб-ускуналар олиб берилди.

Бугун мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган қўнғиротлик ёшлар ҳам кўплаб ютуқларга эришишмоқда. Дилором Қўшниёзовага Ёшлар ишлари агентлиги томонидан "Гўзаллик салони" очишга кўмаклашилди. Натижада Дилором ўзи ва яна икки кишининг бандлигини таъминлади.

– Мен сартарошликка қизиққаним боис Ёшлар ишлари агентлигига мурожаат қилдим, – деди Дилором Қўшниёзова. – Агентлик менга субсидия ажратилишига кўмак берди. Ўзим билан биргаликда бир қатор ёшларнинг бандлигини таъминладим. "Гўзаллик салони"ни ташкил этганимиз хонадонларимизга қўшимча даромад келишига замин яратмоқда.

Беш ташаббус олимпиадаси ёшларни оммавий спортга жалб этишда ўзига хос ўринга эга бўлмоқда. Мусобақанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, унда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг маҳалласига 3 турдаги спорт майдончалар қуриб берилаяпти. Мусобақаларнинг 2022 йилги мавсумида жами 603 та маҳалла ана шундай имкониятга эга бўлди. Айни кунгача уларнинг 279 таси қуриб фойдаланишга топширилган. Қўнғиротнинг Қиёт маҳалласи ёшлари ҳам мазкур танловларда иштирок этиб, маҳалла ёшларига баскетбол, мини-футбол билан шуғулланиш имконини тақдим қилди. Маҳалла марказида универсал спорт майдончаси қуриб берилди.

– Президентимиз ташаббуси билан мазкур олимпиада бошланишини биз ёшларга бўлган ғамхўрликнинг бир кўриниши бўлди десак муболаға бўлмайди, – деди Қиёт маҳалласи ёшлар етакчиси Юсуф Хўжамбергенов. – Маҳалламиз ёшлари Беш ташаббус олимпиадасида қатнашиб, 15 нафар ёшларимиз Қорақалоғистон Республикаси босқичига чиқишди. Икки командамиз енгил атлетика ва стритбол спорт турлари бўйича беллашиб, юқори ўринларни эгаллади. Ёшларни спортга кўпроқ жалб этиш мақсадида юртбошимизнинг совғаси сифатида маҳалламизга иккита универсал спорт майдончаси қуриб берилди. Бугунги кунда ёшларимиз спортга ошно бўлган ҳолда беллашувларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Президентимизга бундай ғамхўрлик учун ташаккур деймиз.

Бугун аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнатда лаёқатли фуқароларнинг меҳнат қилиши ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш устувор масалага айланган. Қўнғирот тумани марказида ўз фаолиятини бошлаган Моно марказ филиали ҳам айни мақсадларни ўзида ифода этади. Марказда фуқароларни 12 та касб ва чет тилларга ўқитиш орқали маҳаллий ва хорижий иш берувчиларнинг талабларига мос равишда малакали мутахассислар тайёрланади.

– Марказда корейс, рус, инглиз тиллари, болалар тарбиячиси, ёрдамчиси, компьютер дизайнери, дастурчи, сантехник, электрик, қизлар учун соч турмаклаш каби кўплаб касбларга ўқитиб келинмоқда, – деди Моно марказ филиали раҳбари Бегимбай Сирожов. – Моно марказга атрофимиздаги 4 та тумандан ўқувчилар келиб, билим олиб, ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлмоқда.

Аҳолининг ишчанлик қобилиятини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва шу асосида уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ҳамда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, аҳолининг бандлигини таъминлашни мақсад қилган Моно марказ фаолиятидан қўнғиротликлар мамнун.

– Қўнғирот туманида ошпазликка тайёрлаш курслари ташкил этилганидан хурсандмиз, – деди Олтиной Жибаева. – Ҳозирда ўзбек миллий таомларини тайёрлашни қунт билан ўрганяпмиз. Бу ерда сертификат олиб, келгусида ресторан ёки кафе ташкил қилган ҳолда ўзимнинг тадбиркорлик фаолиятимни бошламоқчиман. Бизга яратилаётган бундай шароитлар учун давлатимиз раҳбарига чексиз ташаккуримизни билдириб қоламиз.

Албатта, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг натижаси юртимизнинг олис ҳудудида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу эса халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошишида намоён бўлмоқда.

**АНДИЖОНДАН ДАРАКЛАР**

## 271 та кўп қаватли уй иссиқлик манбаига эга бўлади

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Республикамиз вилоятларидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик манбаи билан таъминлаш борасида 2019 – 2024 йилларга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда Жаҳон банкининг кредит маблағлари ҳисобидан Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.**



Жумладан, Андижон шаҳридаги 5-кичик туманда "Adolat Qurilish Servis" МЧЖ томонидан 6,4 километр масофага қувур тортиш ишлари олиб борилаётган бўлса, "Bell-far Partners" МЧЖ томонидан индивидуал иссиқлик пунктлари учун блок контейнерларни ўрнатиш ишлари якунланмоқда.

– Режага биноан, Андижон шаҳридаги иссиқлик манбаи ишлаб чиқарувчи 3 та қозон ҳамда 27,5 км узунликдаги иссиқлик узатиш тармоқларини алмаштириш кўзда тутилган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшидбек Бозорбоев. – Шунингдек, 373 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатилади.

Амалга оширилаётган ишлар якунига етгач, вилоятдаги мавжуд 5 та кичик туманда жойлашган 271 та кўп қаватли уй ҳамда 30 та ижтимоий соҳа объектини узлуксиз иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш имконияти яратилади. Бунинг учун 24,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

## "Регистон" ўқув маркази – янги бинода

**Самандар ПАРДАБОЕВ,** ЎзДЖТУ талабаси.

**Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида 300 нафардан ортиқ ёшларни қамраб олиш имкониятига эга бўлган "Регистон" ўқув маркази биноси фойдаланишга топширилди.**

Ушбу таълим муассасасининг очилиши маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида сўз юритишди. Шундан сўнг, улар марказдаги замонавий жиҳозланган хоналарни кўздан кечиришди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув марказида она тили, инглиз тили, рус тили, математика, физика, кимё, биология, тарих фанларидан абитуриентлар тайёрланади. Шунингдек, кичик ёшдаги болаларга ментал арифметика, мантиқий фикрлаш, шахмат ҳамда мактабгача тайёрлов сабоқлари ўқитилади.

Маълумотларга кўра, янги ўқув марказида дарслар икки соатдан ўтказилиши белгиланган бўлиб, алоҳида шуғулланадиган хоналар ҳамда 50 дан ортиқ компьютер воситаси ўқувчиларнинг сифатли таълим олишга имконият яратади.

## Талабалар ётоқхоналари фойдаланишга топширилди

**Сўнгги йилларда Андижон вилоятидаги мавжуд олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни турар жой билан таъминлаш борасида қулай шароитлар яратилмоқда. Яқинда 3 та ётоқхонанинг фойдаланишга топширилиши бунга мисолдир.**

– Улуғнор туманидан қатнаб ўқийман, – деди Андижон машинасозлик институти талабаси Дониёрбек Абдурасулов. – Қиш фаслида ҳукм сурган аномал совуқ шароитида транспорт воситалари ҳаракати билан боғлиқ муаммолар юзага келгач, вилоят марказидаги ижара уйга кўчиб ўтишимга тўғри келди. Бу мен учун катта молиявий муаммоларга сабаб бўлди. Институтимиз талабалари учун 523 ўринли ётоқхонанинг фойдаланишга топширилиши шу каби муаммоларнинг ижобий ечимидир.




Бир пайтнинг ўзида Андижон машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар ҳамда иқтисодиёт ва қурилиш институтларининг минг нафардан зиёд талабалари янги ётоқхонага кўчиб ўтдилар. Бу ерда уларнинг дарсдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилди. Айни пайтда яна иккита бинода таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 1 200 нафар талаба-ёшлар янги уйга кўчиб ўтадилар.

## МикроГЭСлар фаолияти қайта тикланмоқда

**Бу йилги қиш мавсуми республикамиз электр энергияси таъминотида ўзига хос муаммолар тўпланиб қолганини исботлади.**

Хусусан, Андижон вилоятида таъминотдаги узилишлар аҳоли турмуш шароитига ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу муаммо келгуси йилнинг куз-қиш мавсумида такрорланмаслиги учун ҳозирданоқ тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, қуёш панелларини ўрнатиш билан бир қаторда мини ГЭСлардан унумли фойдаланиш ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда Қорадарё, Майлисой, Тентаксой, Андижонсой, Шаҳрихонсой, Оқбўйрасой каби яшил энергия олишга қулай сув манбаларида ўрганиш ишлари олиб борилаяпти. Айтиш жоиз, бу ерларда 60-70 йил муқаддам қурилган ва сўнгги 30-40 йилдан буён фойдаланилмай келинаётган микро ГЭСлар мавжуд бўлиб, уларни қайта таъмирлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга йўналтириш мумкин.

– Избоскан туманидаги фойдаланилмай келинаётган микро ГЭС 1950 йилларда қурилган бўлиб, айрим сабабларга кўра 1980 йилларда фаолияти тўхтатилган, – деди халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати Зардуна Исмоилова. – Станция яқинидаги дарёдан 90 $м^3$ миқдорда сув оқиб ўтади. Бу ГЭСнинг йил давомида узлуксиз электр энергияси ишлаб чиқаришини таъминлайди. Ҳозирда Марҳамат туманидаги Роҳат маҳалласида соатига 150 кВТ қувват билан ишловчи қурилма ишга туширилди. Натижада 200 та хонадоннинг электр энергияси билан боғлиқ муаммоси ижобий ечим топди. Демак, бу амалиётни бошқа кичик ГЭСларда ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Вилоятда жорий йилнинг ўзида 200 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига 41 та ҳудудда микро ГЭСлар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

## Шаҳарга монанд қишлоқлар кўпаймоқда

**Дилшод МАМАДИЁРОВ,**
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси.

**"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётгани туфайли маҳаллалар кун сайин чирой очмоқда. Навоий вилоятининг Нурота туманидаги "Жарма" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли ҳам бугун ҳаётидан мамнун. Кўпдан буён ташландиқ ҳолга келиб қолган йўллар ободонлашмоқда.**

Хусусан, маҳалла тасарруфидаги Жарма қишлоғидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг эскирган биноси таъмирланиб, қўшимча бино қурилди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, эътиборга муҳтож бўлиб қолган қишлоқ врачлик пункти замон талабларига мослаштирилди ва оилавий поликлиникага айлантирилиб, қўшимча хоналар қуриб берилди. Ҳозирги кунда бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи барча қулайликлар ва шунинг баробарида янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Бу борада қурувчилар меҳнатини алоҳида эътироф қилган ҳолда маҳалла раиси Жамолиддин Мирзаевнинг ташкилотчилигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. У киши бунёдкорларга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар билан доимий равишда ҳашарлар уюштириб, белгиланган ишлар тез ва сифатли бажарилишини таъминлашда бош-қош бўлмоқда.

Энди бу қишлоқда бўлган киши аҳолига яратилган шароитлар шаҳардагидан қолишмаслигига амин бўлади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (665) 2023 йил 21 февраль



# Шамол тегирмонининг афзаллиги кўп

**Улуғбек ЖУМАЕВ,** журналист.

**Калифорния штатида Дунго Гоония довони пастидаги шамол тегирмони баҳайбат қалъага ўхшаса ҳам жуда гўзал кўринади. Шамол деб аталмиш кўзга кўринмас ҳаво оқимини диққат билан кузатдик. Бу ер шамол эсиши учун қулай экан. Сабаби, чор-атрофи довонларга туташган, яқинроқ келиб, тегирмонлар варраги қандай айланишига эътибор қаратдик. Аслида, бу ерга бошқа юмушимиз бўлмасада, биргина шу электр қуввати ишлаб чиқараётган улкан генераторни кўриш учун келгандик. Кузатувчи хоним шамол тегирмонларини очиқ осмон остида кўришимизни маслаҳат берди.**

Шу пайт бироз шамол эсиши билан улкан тегирмон варраклари бир маромда шовуллаб айлана бошлади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш масаласи бугунги кунда кенг қулоч ёймоқда. Дунго Гооня шамоллар водийсида “Wind power” компанияси ҳудудидаги шамол генераторлари қўним топган манзилда шамол энергитекаси бўйича дунёда кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, юздан ортиқ давлатда ундан энергия олиш йўлга қўйилган.

Маълумот ўрнида: электр токи ишлаб чиқаришга мўлжалланган шамол электр станциялари биринчи марта 1890 йил Данияда барпо этилган. Ҳозирги кунда бу давлат ўз аҳолиси учун 39 фоиз энергияни шамол генераторларидан олмоқда. Ривожланган давлатлар – шамолдан йил давомида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси Португалияда 18-20, Ирландияда 16-17, Испанияда 15, Германияда 20 фоизни ташкил қилмоқда. Умуман олганда, Халқаро энергетика агентлиги тахминига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизда шамол энергиясига бўлган эҳтиёж қарийб 5000 Гига Ваттни ташкил этади. Қолаверса, мазкур муқобил энергия тури мавжуд табиий ресурсларни тежашдан ташқари, экологик мусаффолиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Масалан, 1 МВТ қувватли шамол энергетика станцияси 10 йилда 15 минг тонна кўмир, 45 минг баррель нефтни тежаши мумкин. Бундан ташқари атмосферага карбонат ангидрид, сульфат оксиди, азот оксидларини умуман чиқармайди. Шунингдек, шамол энергиясининг потенциал қуввати дунёда ишлаб чиқарилаётган электр энергия миқдоридан ўттиз баравар ортиқлиги аниқланган. Унинг генераторлари шамол тезлиги бир неча дақиқадан бошлаб электр токини бера бошлайди ва электр ишлаб чиқариш қуввати саккиз марта ошади. АҚШнинг Калифорния штатидаги Палм Спрингс шаҳри яқинидаги Дунго Гооня водийси тоғлари орасида айни пайтда 1130 та шамол генераторлари ўрнатилган. Бундан ташқари, ўнлаб компаниялар Қуёш панеллари ўрнатиб, олинган энергияни турли аҳоли манзилларига йўналтирмоқда. Келажакда водий атрофидаги барча аҳоли пунктлари билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам тўлиқ қайта тикланувчи энергияга ўтказиш кўзда тутилган.

Кузатувчи хоним Лесли Норнинг айтишича, Спригс водийсидаги энг улкан генераторларнинг баландлиги 40 қаватли бинодан юқори бўлиб, 140 метрни ташкил этади. Биттасининг нархи 6 миллион АҚШ долларидан ортиқ ва у 6 йил оралиғида ўз харажатини тўла қоплайди. Бу генераторларнинг фойдаланиш муддати камида йигирма беш йил. Лекин ҳозирда 30 йилдан ортиқ ишлаётганлари ҳам бор экан. Шу маънода, Ўзбекистонда очиқ текис ҳудудларда, тоғлар орасидаги водийларда, сув ҳавзаларига яқин жойларда шамолнинг ўртача тезлиги 3,5-6,5 дақиқани ташкил қилишини эътиборга олсак, мамлакатимизда ҳам бу соҳага эътибор қаратишнинг вақти келганга ўхшайди. Зотан, бу борада юртимизда яхшигина тажриба бор: яъни, ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Бухоро вилоятларида бир қанча шамол энергияси билан ишловчи генераторлар ишлатилгани маълум.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан ҳозирда шу йўналишда муқобил энергия манбаларини ошириш бўйича Тошкент, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бир неча янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Кореянинг “Доожин Со” компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида қурилган 40 метрга тенг анемометрик мачта йилига қўшимча 2,3 миллион киловат-соат ҳажмда электр энергияси ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бу йилига 700 минг куб метр табиий газ тежаб қолиняпти деганидир.

Аҳоли сони кўпайиб, боз устига, электр қувватига бўлган талаб-эҳтиёж авжига чиққан маҳалда тиниб-тинчимас америкаликлар шамол тегирмонини ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Уларнинг шу соҳада изланувчи мутахассислари Калифорния штатида бўлиб, қорли тоғларни кезганида одамларнинг шамол кучидан фойдаланиб электр қуввати олиб, турмушларини бинойидек юргизиб турганини билиб олганди. Қолаверса, бу янгилик минтақанинг олис-олисларида истиқомат қилаётган аҳолига ҳам етиб борганди. Чикаго ва Айова штатидаги газеталардаги бу борадаги қатор чиқишлар, ҳатто бошқа давлатлардагиларни ҳам қизиқтириб қўйди. Дастлабки кезлари қўл урилган иш муваффақият қозонмади. Аммо яратувчилар изланишни давом эттириб, кутилган натижага эришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция кераклиги, бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, яқинда Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Шу билан бирга Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр қуввати 50 фоизга кўпаяди. Дарҳақиқат, давлат раҳбари таъкидлаганидек, шамол электр станцияларини барпо этиш ҳар жиҳатдан қулай ва фойдалидир.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

# ШАРАФЛИ КАСБ УНИ ЭЛГА ТАНИТДИ



**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Собиқ Иттифоқ ва Афғонистон ўртасидаги машъум воқеалар ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ. Ўша даврда ҳамюртларимиздан ҳам минглаб ёшлар мажбурий сафарбар қилинган эди. Навқирон йигитларимизнинг умидларини армонга айлантирган жанглар улар хотирасида абадий муҳрланиб қолган.**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси “Архитектура-режалаштириш топшириғи” давлат унитар корхонаси раҳбари Умар Исаев билан ҳар гал учрашганимизда ўша йиллар билан боғлиқ воқеаларни эсга олади. Боиси, у уруш ва унинг ортидаги вайронгарчиликларни кўрган, Афғон халқининг изтиробларини ҳалигача ўзида ҳис қилади.

Иштихон туманидаги Баҳрин қишлоғида туғилган Умар Исаев мактабни тамомлаб, эндигина Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига қабул қилинган кезлари ҳарбий хизматга чақирилиб, айнан ўша оловли вақтларда хизмат қилган. Хизматдан қайтгач, СамДАҚИда ўқишини давом эттириб, имтиёзли диплом билан институтни тамомлагач, ўзи туғилган туманда ҳокимлик қошидаги лойиҳалаштириш гуруҳида архитектор вазифасида ишлади. Иш жараёнида касб сирларини пухта ўрганиб, тажриба орттирган Умар ака кейинчалик гуруҳ бошлиғи, қурилиш-коммуникация масалалари бўйича бош мутахассис ва бош архитектор лавозимларида фаолият олиб борди.

2010 йилдан буён эса вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси қошидаги “Архитектура-режалаштириш топшириғи” унитар корхонаси директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

– Умар ака фахримиз, – деди вилоят бош меъмори Сайфиддин Нарзиқулов. – У кишининг ҳар бир вазифа ёки топшириқни ўз вақтида, сифатли бажаришидан ёшлар ҳам ўрнак олса, арзийди. Қолаверса, ёш йигит-қизларга устозлик қилиб, касб сирларини ўргатишдан чарчамайди. Муҳими, корхонанинг молиявий аҳволи ички манбалар ва режаларни ўз вақтида бажарилиши ҳисобига иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги ҳам у кишининг меҳнатлари маҳсулидир.

Айтиш жоизки, Умар Исаев ҳақида фақат бошқармада эмас, вилоятдаги бошқа қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари ҳам ҳар доим илиқ фикр билдиришади. У ҳалол меҳнати, билим ва тажрибаси билан ҳамкасблари орасида эътибор қозонган. Рафиқаси Лола Саъдуллаева билан тўрт нафар фарзандни илмсевар, элга муносиб қилиб тарбиялашда ҳам барчага ўрнак бўлмоқда.


## УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

## Страховой организации акционерного общества “UNIPOLIS”

### УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ!

Настоящим СО АО “UNIPOLIS” сообщает, что 20 февраля 2023 года Наблюдательным советом общества принято решение о созыве годового общего собрания акционеров СО АО “UNIPOLIS” по итогам деятельности Общества в 2022 году, которое состоится 15 марта 2023 года.

**Место проведения собрания** – Республика Узбекистан, 100077, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Ломоносова, дом, 50, административное здание СО АО “UNIPOLIS”.

**Дата составления реестра акционеров Общества:**

**для оповещения о проведении общего собрания** – 20 февраля 2023 года;

**для участия на общем собрании** – 9 марта 2023 года.

**В повестку дня общего собрания акционеров включены следующие вопросы:**

1. Утверждение регламента годового общего собрания акционеров.
2. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии и срока их полномочий.
3. Заслушивание отчета Наблюдательного совета по итогом 2022 год.
4. Утвержденние годового отчета Общества за 2022 год.
5. Распределение чистой прибыли общества за 2022 год, выплата дивидендов, установление размера дивиденда, форму и порядка его выплаты.
6. Утверждение Устава общества в новой редакции.

**Акционеры могут ознакомиться с материалами, подлежащими рассмотрению на годовом общем собрании акционеров, по адресу:** 100077, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Ломоносова, дом, 50, СО АО “UNIPOLIS” с 20 февраля по 15 марта 2023 года в рабочие дни с 10.00 до 17.00 часов.

Регистрация для участия в собрании начнется 15 марта 2023 года в 10.00, время окончания регистрации участников собрания – 10 часов 45 минут.

При регистрации для участия в собрании, акционер должен иметь при себе паспорт или иной документ, его заменяющий в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан, а представитель акционера, кроме того – надлежаще оформленную доверенность.

**Адрес электронной почты общества:** info@unipolis.uz


## *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

***Февраль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган***

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги телефонисти **Улуғбек Нормуратов,**

“Тошгипрогор” АЖ ишлаб чиқариш бўлими 1-тоифали архитектори **Доно Тўраева,** Баҳолама бўлими иқтисодчиси **Венера Баймашкина,**

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ бош директори **Дилшод Джалалов,**

Андижон вилояти, Избоскан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ўткирбек Мамталиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳайдовчиси **Рахат Аяпов,**

Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими бошлиғи **Зойир Хайитов,**

Сирдарё вилояти, Ховос тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор **Жамшид Қурбанов,**

Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси бош мутахассиси **Шаҳзод Салимов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-237.
1768 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни –
Топширилди – 00.25. 1 2 3 4 5 6